САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Ислом Каримов,

Қурбон байрами муносабати билан Сизни ва қардош ўзбек халқини самимий қутлайман.

Барчангизга омонлик, бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,
Ҳайдар АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ислом уммати нишонлаётган Ийд ал-Адҳа — Қурбонлик ва фидойилик байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига эзгу истак ва самимий табрикларни йўллашдан ғоят хурсандмиз.

Қодир Оллоҳдан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, офият, узоқ умр, биродар халқингизга эса тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Мусулмон умматининг бирлиги, истаклари ва Қуръони Каримни таъкидловчи ушбу айёмда, биз барча мусулмонлар каби умматимиз заковати ва донолигини бошқа тараққий топган халқлар орасида намойиш қилувчи ёрқин истиқболга умид қиламиз.

Оллоҳ таборака ва таъолодан имон ва бирлигимизни мустаҳкамлашни, мусулмон уммати улуғлигини қайтаришни, бирдамлигимиз рамзи ва самовий динлар шаҳри бўлмиш Қуддус Аш-Шариф бошчилигида ерларимизнинг озод бўлишини ҳамда умматимизга тинчлик ато этишини сўраймиз.

Камоли эҳтиромларимизни қабул этгайсиз.

Биродарингиз
Ҳасан II,
Марокаш Подшоҳи

ФАРАНГ ОЛИМЛАРИ ҚАТНАШДИ

ФАРҒОНА. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган «Инновация-98» технологик ривожланиш ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари тизимининг муаммо ва истиқболлари» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди. Политехника институти ректори Р. Тожиевнинг «Умуммуҳандислик тараққиётида Аҳмад ал-Фарғонийнинг тутган ўрни» мавзуидаги маърузаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Йиғилишда француз олимлари ҳам иштирок этишди.

Алишер ИБОДИНОВ

БОҒЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА

ХОРАЗМ. Урганчнинг 350 йиллик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ҳашар уюштирилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига аҳамият берилди. Хусусан, шаҳар ўртасидан оқувчи Шовот каналининг бўйларига манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. «Хотира майдони» ташкил қилиниб, унинг атрофида хиёбон яратилди. Юбилей кунларигача Ал-Хоразмий ва Ал-Беруний номидаги боғларни вужудга келтириш мўлжалланмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 5 апрель, якшанба • № 42 (22.279).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида бўлган Ўзбекистон — Россия дўстлик жамиятининг таъсис мажлисида жамият бошқарув органлари ҳамда ҳайъат аъзолари сайланиб, жамият Низоми қабул қилинди. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Тўхтамурод Жўраев мазкур жамиятнинг раиси этиб сайланди.

* * *

Умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг анъанавий республика олимпиадаси ниҳоясига етди. Пойтахтдаги таълим марказида ўтказилган якунловчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 245 нафар ўқувчи қатнашиб, йигирма фан бўйича ўз билимларини синадилар.

Умумкоманда ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни, Бухоро, Самарқанд, Наманган вилоятларининг қобилиятли ўқувчилари қолган ўринларни эгаллашди.

Олимпиадада 1-, 2- ва 3-ўринни олган 55 нафар ўқувчи энди ўз ихтисослари бўйича олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинади.

***

Тошкентдаги Вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтида ноёб дори — иммуномодулини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юртимизда ихтиро этилган бу дори саломатликни тиклабгина қолмай, умрни ҳам узайтиришга қодир.

* * *

Тошкентлик Олим Тошев, Севара Юсуфалиева, Катя Ким, Антон Филиппов, Елена Левушкина, самарқандлик Жўрабек ва Иброҳим Ҳамроқуловлар, қашқадарёлик Сарвиноз Эргашева, наманганлик Баҳодир Холмирзаев ва Олга Сон яқинда шахмат бўйича пойтахтда бўлган ўсмирлар ўртасидаги республика биринчилигида ғалаба қозонишиб, шу йил майда Эронда ўтадиган Осиё чемпионати ва октябрда Испанияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

* * *

Италия, Франция ва Ирландиядаги тўртта нуфузли олий ўқув юрти Бухоро Давлат университетининг ҳамкорига айланди. Улар Бухородаги ўқув юртига иқтисодиёт соҳасида олий базавий таълимни янгилаш лойиҳасини амалга оширишда, шунингдек, бошқа ихтисосларни ўргатишда кўмаклашмоқда.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

БУГУНГИ УРУҒ — ЭРТАНГИ БОЙЛИК.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 7 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	55,71
1 Австрия шиллинги	6,53
1 Англия фунт стерлинги	140,95
10 Бельгия франки	22,28
1 Голландия гульдени	40,79
10 Греция драхмаси	2,65
1 Дания кронаси	12,05
1 БАА дирхами	23,12
1 АҚШ доллари	84,92
1 Миср фунти	24,84
1 Ирландия фунти	115,40
1 Исландия кронаси	1,17
10 Испания песети	5,41
100 Италия лираси	4,66
1 Канада доллари	59,84
1 Хитой юани	10,26
1 Қувайт динори	277,38
100 Ливан фунти	5,56
1 Малайзия рингги	22,50
1 Германия маркаси	45,94
1 Норвегия кронаси	11,09
1 Польша злотийси	24,59
10 Португалия эскудоси	4,49
1 Сингапур доллари	52,10
1 СДР	112,96
1000 Туркия лираси	0,34
1 Финландия маркаси	15,14
1 Франция франки	13,71
1 Швеция кронаси	10,61
1 Швейцария франки	55,65
1 ЭКЮ	91,22
10 Жанубий Корея вони	0,59
10 Япония иенаси	6,28
1 Россия рубли	13,89
1 Украина гривнаси	41,65
1000 Белорусь рубли	2,51
1 Латвия лати	141,77
1 Литва лити	21,23
1 Молдова лейи	18,00
1 Қирғизистон соми	4,70

) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси 52-сессиясида мусулмонларнинг икки байрами — Ийд-ал-Фитр ва Ийд-ал-Адҳани мазкур ташкилот тақвимидаги дам олиш кунлари рўйхатига киритиш масаласи овозга қўйилди.

Натижада бу икки мўътабар байрам ташкилот тақвимидан дам олиш куни сифатида жой олди.

Ушбу қарорга ташкилотдаги 185 мамлакат вакилининг атиги 23 нафари қарши овоз берди.

* * *

Европа комиссияси Европа иттифоқининг Марказий ва Шарқий Европада, шунингдек, МДҲ мамлакатларида ядро хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича амалий ишларни кучайтириш бўйича ҳужжатни тасдиқлади.

* * *

Брюссель шаҳрида Европа иттифоқи мамлакатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Улар Европа комиссиясининг умумий аграр сиёсат соҳасидаги ислоҳотлар ҳақидаги лойиҳасини муҳокама қилишди. Лойиҳага биноан дон ва ёғ олинадиган экинлар ҳосилини харид қилишни 20 фоизга, мол гўштини 30 фоизга ва сўт маҳсулотларини 15 фоизга арзонлаштириш кўзда тутилган. Қийин эмаски, қатор вазирлар бундай лойиҳани қўллаб-қувватлашмади. Айниқса, бир неча юзлаб фермерлар бундай қарорга қарши эканликларини билдиришди. Улар Брюссель кўчаларига чиқиб, норозиликларини очиқ-ойдин намойиш этишди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

* * *

Хитойнинг янги Бош вазири Чжу Жонцзи биринчи бор сафарга чиқди. У Лондонга келиб, Осиё-Европа ва Хитой-Европа саммитида иштирок этди. Шуниси диққатга сазоворки, Чжу Жонцзи Буюк Британия қироличаси Елизавета Иккинчининг қабулида бўлди. Гап шундаки, қиролича Хитой ҳукумати раҳбари билан бундан 12 йил аввал, яъни, ўзининг Хитойга ташрифи давомида учрашган эди. Ана шу учрашувдан хотира сифатида Елизавета Иккинчи Чжу Жонцзига ўзининг кумуш рамкадаги суратини тақдим этди. Хитой Бош вазири шунингдек, Маргарет Тетчер ва қатор молия раҳбарлари билан ҳам учраши.

* * *

Россия Президенти Борис Ельцин Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновни шу йил Москвага ташриф буюришга таклиф этди. Ташрифнинг аниқ муддати кейинчалик маълум қилинади.

* * *

Боку МДҲдаги айрим давлатлар ўртасида ҳарбий иттифоқлар тузилишига қарши эканлигини маълум қилди. Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Европа иттифоқининг парламент ассамблеяси вакиллари билан учрашувда МДҲнинг алоҳида олинган икки мамлакатида махсус муносабатлар шакланишига йўл қўймаслик керак, деди. Айниқса, 1997 йилда имзоланган Россия ва Арманистон ўртасидаги ҳарбий иттифоқ бизни ранжитмоқда, деб таъкидлади Президент.

* * *

Россия Фдерацияси Президенти Борис Ельцин билан АҚШ Президенти Билл Клинтон Буюк Британиянинг Бирмингем шаҳрида бўлиб ўтадиган икки томонлама учрашувда Россия—Америка муносабатларини муҳокама қилишлари мумкин. Бу ерда май ойида «саккизлик» раҳбарларининг навбатдаги саммити ўтказилади. Бу ҳақда АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар билан муносабатлар ўрнатиш бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович хабар берди.

* * *

Исроилнинг ҳарбий самолётлари ва артеллерияси «Хизби Оллоҳ» гуруҳининг жанубий Ливандаги қароргоҳига зарба берди. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1 апрелда қабул қилинган резолюциясига қарамай амалга оширилди. «Ҳаво-Ер» тоифасидаги тўртта ракета Ливан-Исроил чегарасига яқин жойдаги Луэйза қишлоғига ташланди. Бир қанча бегуноҳ Ливан деҳқонлари ҳалок бўлди.

БОЙ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Мулоҳаза

Ўзбекистон ХДПдан вилоят кенгаши депутати, «Намангангўштсутсаноат» ҳиссадорлик компанияси раиси Аюбхон Собиров «Ўзбекистон овози» газетасининг кўп йиллик мухлиси. Газетанинг 7 март сонидаги «Гўшт комбинати ҳақида ким бош қотиради?» сарлавҳали мақолани ўқиб, мени ўзлари мулоқотга таклиф этдилар. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари муҳандис-технологи касбида 27 йиллик тажриба эгаси бўлган мутахассиснинг мулоҳазалари ҳар биримизга тегишли муаммо.

-- Мақолани катта қизиқиш билан ўқидим, — дейди Аюбхон ака. -- Бироқ мухбирнинг «...бозор иқтисодиёти шароитида бизга гигант корхоналар эмас... кичик корхоналар зарур» деган фикрига унчалик қўшилмадим.

— Нега энди? Ахир улкан корхоналарни бошқариш ҳам, унга хомашё топиш ҳам муаммо эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаяпти-ку.

— Тўғри, саноатда, енгил саноатда шундай, баҳслашмайман. Ҳатто озиқ-овқат саноатининг айрим тармоқларида, дейлик қандолатчиликда кичик корхона шаклида ишлаш мумкиндир. Лекин, айнан гўшт, сут масаласида мен марказлашган ҳолда иш ташкил этиш тарафдориман. Сабаби, гўшт, сут маҳсулотлари санитария ва ветеринария талабларига мувофиқ келадиган мезоний махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхонада тайёрланиши ва қайта ишланиши жоиз. Шундагина маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги кафолатланади.

Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида гўштдан ташқари кўп соҳаларга зарур хомашёлар ишлаб чиқарилади. Жумладан, буларга саноат асосида қайта ишланган юқори сифатли тери, ичак, қон, ҳар хил безлар, суяк ва бошқа техник маҳсулотлар киради. Масалан, 10 минг бош қорамолни сўйиб қайта ишлаш натижасида пойабзал, устки кийимлар, атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун енгил саноатга 10 минг дона тери, атлас ишлаб чиқариш корхоналари ва мебель саноатига 250 тонна елим, фармацевтика саноатига 130 тонна қон, 25 тонна сафро ва безлар, маҳаллий саноатга 20 тоннага яқин шох ва туёқ топширилиб, бизникига ўхшаган имконияти бор гўшт корхонасида яна 300 тонна суяк унидан омухта ем тайёрлаш мумкин. Бундан ташқари, бизнинг соҳамизда ноёб ҳисобланган 250 минг метр ичак қобиғи олинади. Ваҳоланки, ҳозирги кунда хорижий давлатлардан мазкур маҳсулотнинг 1 метрини 25 сўмдан сотиб олиб ишлатилмоқда.

Қўй ва эчкиларнинг ичаклари фармацевтика саноатида жарроҳлик иплари сифатида фойдаланилади. Бу маҳсулот ҳам бугунги кунда чет эл ва ҳамдўстлик мамлакатларидан келтирилмоқда. Яна бир эътиборли гап. Фармацевтикада айнан бизнинг соҳада қайта ишланган хомашёдан 30га яқин ҳар хил дори-дармонлар ишлаб чиқариладики, улар газеталаримизга маълум бўлган инсулин, панкреатин, адреналин, альбумин, гепарин, лидаза ва кокарбаксилаза кабилардир.

— Наҳот шунча зарур маҳсулот қайта ишланмай бой берилаётган бўлса? Ташвиш билан таъкидлашингиздан, нима ҳозир хавф каттами?

— Масаланинг нозиклиги шундаки, дори-дармонлар учун фойдаланиладиган хомашёлар сифати қай даражадалиги номаълум гўшт умумий овқатланишда ишлатилса, бу тўғри эмас. Яна ҳар ўн беш қадамда биттадан кабобхоналар очилганига нима дейсиз?!

Энди мана бу далилга эътибор беринг. Бутун Наманган вилоятида ишлаб чиқарилаётган гўшт маҳсулотининг 10 фоизи бизнинг корхонадан чиқади. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган цехларда мутахассисларимиз сўйилаётган шу гўштнинг 40 фоизигача қисмидан турли касалликларни аниқлайдилар. Баъзида инсон саломатлиги учун ўта хавфли касалга чалинган ҳайвонлар ҳам учрайдики, бундай гўштнинг кўпнча бахридан ўтилади ёки замонавий совутгич ва музлатгичларда зарарсизлантирилади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, бозорлардаги, қаноралардаги гўштнинг қолган 90 фоизи истеъмолга батамом яроқли эканига ким кафолат беради? Вилоят бозорларида ўтказилган қатор рейдлар шуни кўрсатдики, ўз ҳолича, мутахассислар назоратидан ўтмаган гўштлар орасида эхонокок ва бошқа турли касалликлар мавжудлиги аниқланмоқда.

— Аюбхон ака, бу соҳада хорижнинг тажрибаси қандай?

— Ҳалол ҳасип тайёрлаш технологиясини ўрганиш мақсадида бурноғи йили Австрияда бўлдим. Бутун бошли шу мамлакатда ҳаммаси бўлиб иккита катта гўшт комбинати бор. Бу комбинатлар атрофдаги юзлаб гўштни қайта ишлаш кичик корхоналарига маҳсулот етказиб беради. Энг катта ҳисобланган Чикаго гўшт комбинати Американинг учта штатига хизмат кўрсатади.

Муқаддас ҳаж сафарига бориб келаётганларнинг далолат беришича, Саудия Арабистонида Макка гўшт комбинати бир йилда фақат уч кун ишлаб 2 миллиондан ортиқ чорва молларини қурбонлик учун сўяди.

Гўшт комбинатларини марказлашган ҳолда ишлатиш ва чорва молларини бирламчи қайта ишлашда бундай корхоналарни «Алгоритм»га таққослаб бўлмаслигининг яна бир сабаби, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоқадордир. Шу мақсадда республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 28 сентябрдаги 379-сонли «Аҳолини қишлоқ хўжалик ҳайвонларида учрайдиган юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қарори ва шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 254-сонли, Наманган вилояти ҳокимининг 4 июлдаги 100-ф сонли фармойишлари гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, иккиламчи маҳсулотлардан ва тери хомашёсидан унумли фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тўла ҳисоботини олиб бориш мақсадида гўшт комбинатлари қошида «Тадбиркор қассоблар» уюшмаларини ташкил этиш вазифалари юклатилган.

— Демак, жаҳон андозасига риоя қилинса улкан корхоналар ишлаши керак. Бироқ, қандай қилиб?

— Президентимиз ташаббуси билан «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси корхоналарини хусусийлаштириш, акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида» 1996 йил 19 августда 290-сонли қарор қабул қилинди. Бундан кўриниб турибдики, республика раҳбарияти гўшт ва сут ишлаб чиқариш корхоналарига алоҳида эътибор бериб, истеъмолчилар ушбу маҳсулотлар билан тўла таъминланиши, аҳолини юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш, чорва молларини қайта ишлаш натижасида олинадиган иккиламчи маҳсулотлардан мумкин қадар тўла фойдаланиш йўналишларини белгилаб берди.

Вилоят раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан гўшт ва сутни қайта ишлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Вилоятда «Гўштсутсаноат» акционерлик компанияси ташкил этилди. Ушбу компания ўз тизимига гўшт ва сутни қайта ишлаш корхоналари, олтита чорвачилик хўжалиги, «Тадбиркор қассоблар» уюшмаси ва бешта фермер хўжалигини мужассамлаштирди. 1997 йилнинг ноябрь ойида, яъни компания ташкил этилгунча тизим ихтиёрида 5 минг қорамол бор эди. Ҳозирги кунда улар сони 10 минг бошга етди, шундан 1 минг боши қайта ишлаш учун тайёр.

Умуман компанияда 18 та ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили 14 миллион сўм фойда олишга муваффақ бўлдик. Менимча, жойлардаги вилоят раҳбарлари, вилоят гўшт ва сут саноати акционерлик компаниялари, санитария ва эпидемиология станциялари, стандартлаштириш, метереология ва сертификация марказлари ва ветеринария бошқармалари ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари керак.

— Кўриниб турибдики, гўшт ва сутни қайта ишлашда муаммолар кўп экан. Назарингизда, улар ечими учун яна нималар қилиш лозим?

-- Деҳқон меҳнатининг натижаси 2-6 ойда ҳосили билан кўзга ташланади. Чорвачиликда бу унчалик жўн иш эмас. Бузоқни сигир, сўқим қилиб етиштиргунча камида 4 йил муддат керак. 4 йиллик азоб-уқубатни эса шу соҳанинг кишилари яхши англайдилар. Шу машаққатни эътиборга олиб чорвадорларга гўшт ва сут корхоналари орқали имтиёзли кредитлар ажратилиши лозим.

Аҳолидан мол сотиб олишни кўпайтириш ва осонлаштириш учун уларга пул тўлаш тартибини енгиллаштириш ва сотиб олувчи хазинасидан нақд пул беришни амалга ошириш керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларига пул тўлаш тартибларини соддалаштириш, дебитор-кредиторлик қарзларини кўпайтирмаслик масъулиятини банк тизимларига ҳам юклатиш пайти келди.

— Дори-дармон халқимиз учун обдан зарур масала-да. Суҳбатимиз бошида фармацевтика соҳасига тегишли муаммони алоҳида таъкидладингиз...

— Фармацевтика саноати ривожланиши учун аввало, мавжуд йирик гўшт корхоналаримиз сурункали ишлаши керак. Бунинг учун тинимсиз изланиш ва жамоатчиликнинг фаол кўмаги зарур. Хусусан, Наманган шаҳрида гўшт ва сут корхоналари ёнма-ён қурилиши, ишга туширилиши ва уларни юқори қувватли қозонхона ҳамда совутиш иншоотлари билан таъминлашдан асосий мақсадимиз келгусида шу корхоналар замирида фармацевтика заводини қуриб ишга тушириш ва халқимиз учун зарур бўлган дори-дармонларни ишлаб чиқаришдир.

Суҳбатдош: Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗ ЎРНИНГНИ ТОП

Партия ҳаёти

Янгиер шаҳар партия ташкилоти барча меҳнат жамоалари билан мустаҳкам алоқа боғлаган ҳолда, улар билан ҳамкорликда қадам ташлашга, иқтисодий ислоҳотлар учун олиб борилаётган жараённинг олдинги сафларида бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Шаҳар кенгашига сайланган 30 нафар депутатнинг 25 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари экани, шаҳардаги корхона ва ташкилот раҳбарларининг асосий қисми партия аъзолари экани ҳам шундан далолат бериб турибди. Яқинда бўлиб ўтган сайловда эса «Мирзачўлқурилиш» бирлашмаси бошлиғи Умарқул Аҳмедов Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис депутатлигига якдиллик билан сайланди. Бу ҳам партиямиз нуфузининг омма орасида ошиб бораётгани белгисидир.

Шаҳримизда жами 1567 нафар партия аъзоси бўлиб, улар 70 та бошланғич ташкилот атрофига бирлашгандирлар. Шаҳримизда ҳудудий партия ташкилотлар сони йил сайин кўпаймоқда. Урни келганда шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, Янгиер шаҳар партия ташкилоти республикамизда биринчилардан бўлиб ҳудудий ташкилотни тузиш ташаббускорларидан бўлиб майдонга чиққан эди. Ўтган сўнгги йиллар мобайнида бу ташаббус ўринли эканлигини ҳаёт исботлади. Аҳолига яқинлиги, муҳим ижтимоий-сиёсий компаниялар, турли фойдали тадбирлар ўтказиш жараёнида ҳудудий ташкилот одамлар билан иш олиб боришда партиямизнинг ғоят муҳим таянчи бўла олишини амалда кўрдик.

Биз ўз ишимизда тажрибали, малакали, ўз ишларига фидойи бўлган кадрларимизга суянамиз. Олий Мажлис депутати Умарқул Аҳмедов, шаҳар «Нуроний» жамғармаси раҳбари Бронислав Зажицки, шаҳар кенгаши депутатлари З.Самадов, С.Шукуров, В.Балдин, К.Абдуллаев, М.Обидов, О.Исломова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шаҳар партия кенгаши мунтазам равишда фаол депутатларимизнинг ҳисоботларини тинглаб боради, улар орқали ўз режа ҳамда мақсадларини амалга оширади.

Биз партия сафига қабул масалаларига ҳам доимий эътибор бериб келмоқдамиз. Агар 1996 йилда биз ўз сафларимизга жами 209 кишини қабул қилган бўлсак, ўтган йили ХДП аъзоси бўлиш истагини билдириб, сафимизга янги қўшилган аъзолар сони 214 кишини ташкил этди.

Шаҳар партия ташкилоти ўзининг кундалик фаолиятида ташкилий, иқтисодий масалалар билан бир қаторда ижтимоий, маданий-маърифий масалаларга ҳам кенг ўрин бериб келмоқда. Зеро, шаҳримиз нафақат саноат ва қурилиш, балки, ўзига хос маданият маркази ҳамдир. Янгиер лицей-интернатининг номи бутун республикамизга таралгани, бу ерда қатор таниқли олимлар, малакали педагоглар иш олиб боришаётгани, шаҳримиздаги «Янгиер тонги» — «Янгиерские зори» газеталари эса вилоятдаги кўзга кўринган вақтли нашрлардан бирига айланиб қолгани ва бошқа мисоллар юқоридаги фикримизнинг ўринли эканига асос беради. Республикамиз партия нашрларига обуна ўтказишда ҳудуди, аҳоли сони унча катта бўлмаган шаҳар партия ташкилотимиз республикамиздаги шаҳар ва туман партия ташкилотлари орасида фахрли учинчи ўринни олгани ҳам бизлар учун ғоят қувонарлидир.

Саид КАРИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар кенгаши котиби

Менда таклиф бор

БЕКАТЛАР НАЗОРАТСИЗ ҚОЛМАСА

Бугунги кунда нафақат Қорақалпоғистонда балки, мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ҳам катта йўл бўйидаги бекатларни хусусийлаштириш жадаллик билан олиб борилмоқда. Хусусийлаштирилган бекатлар эса ўзининг бежирим ва йўловчиларга яратилган қулайликлари билан кўчалар хуснига ҳусн қўшмоқда. Аммо, шаҳарларимиздаги кўпгина бекатлар хусусийлаштирилгач, унинг эгалари йўловчиларга ўриндиқлар ўрнатиш ўрнига дўконларини ҳам энига, ҳам бўйига катталаштириб, йўловчиларга ноқулайлик туғдирмоқда. Шунингдек, бир пайтлари бекат номи ва у ерда қандай автобуслар тўхташи кўрсатилган белгилар ҳам олиб ташланиб, унинг ўрнига хорижнинг тамаки маҳсулотларини тарғиб қилувчи рекламаларни ўрнатишмоқда. Бу бекат эгаларига қанчалик наф келтиришини билмайман-у аммо йўловчилар учун бирмунча қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Бу ҳам етмагандек, айрим бекат эгалари магнитофонда қулоғингизни қоматга келтирадиган ашулалар қўйиб, йўловчилар асабини янада таранглаштирмоқда. Шунинг учун жойлардаги ҳокимликлар бекатларни хусусийлаштираётганда йўловчиларга керакли шароитларни яратиш шарти билан сотсалар ва уларнинг ишини вақти-вақти билан назорат қилиб турсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Саъдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
Амударё тумани, Манғит шаҳри.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ИБН СИНО ТИМСОЛИ ҚЎЙИЛСА»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 5 февраль сонида чоп этилган «Ибн Сино тимсоли қўйилса» сарлавҳали мақолани текшириб, чора кўриш учун республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган эди. Вазирликдан олинган жавобда шундай дейилади:

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир касбнинг ўз рамзи (эмблемаси) бўлгани каби, тиббиёт касбининг ҳам 1948 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тасдиқланган, тиббиёт рамзи сифатида қабул қилинган илон билан қадаҳсимон идиш кўринишидаги ўз рамзи бор. Илонни тиббиёт касбининг рамзи қилиб олинишининг узоқ ўтмишдан қолган тарихи бўлиб, улардан айримларини келтирмоқчимиз.

1. Ибтидоий жамоа давридаги ҳар бир қабила «Биз бу тотемимиздан келиб чиққанмиз», деганлар. «Тотем» сўзи «Менинг авлодбошим», деган маънони англатади ва бирор ҳайвондан иборат бўлади. Илон ҳам тотемлардан бири ҳисобланиб, у инсонларни хавф-хатардан ва касалликлардан асраганлиги учун унга эсон-омонлик ва саломатлик рамзи сифатида қаралган.

2. Қадимги Юнонистоннинг касалманд подшоҳини Асклепий ўз ҳассасига чирмашиб олган илон топиб берган гиёҳ билан даволаб тузатган. Шунинг учун қадимда Асклепийни илон чирмашиб олган ҳассага суяниб турган бақувват чол сифатида тасвирлашган. Кейинчалик ҳасса ўрнини қадаҳсимон идиш эгаллаб, Асклепийнинг ўзи тушириб қолдирилади. Бу қадимги Юнон китобларида ўз аксини топа бошлайди.

3. Қадимги Римда ҳам бу рамз икки илон чармашиб олган ёниқ шам сифатида тасвирланган. Тиббий китобларнинг титул варағида тасвирланган илон ва шамнинг тагига «Бошқаларнинг ҳаётини чароғон қилиб, ўзим ёниб кетаман» деб ёзиб қўйилар экан.

4. Илон бошқа ҳайвонларга нисбатан 15—20 марта тез юриш қобилияти билан қадимги кишиларни ҳайратда қолдирганлиги учун табибнинг ақл-идроки ва зеҳни илонникидек ўткир бўлсин, деб ҳисоблашган.

Кейинчалик айрим давлатлар беморнинг қон томирини ушлаб турган қўлнинг, турли хил жарроҳлик асбобларнинг, белигача йўргакланган чақалоқнинг, кафти ушлаб турилган юракнинг тасвирларини ўзларига рамз сифатида қабул қилдилар. Бу ҳолатга барҳам бериш мақсадида жаҳонда ягона рамз 1948 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тасдиқланди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганлиги билан ушбу рамзни алмаштириш ёки унга ўзгартириш киритиш ваколатига эга эмас.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Абу Али ибн Синонинг тимсолини абадийлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасида анча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Биргина тиббиёт соҳасида Бухоро Тиббиёт институтига ва тиббиёт билим юртига, кўча ва хиёбонларга, мактаб, кутубхона ва бошқа жойларга унинг номи берилди. Яқинда фаолият бошлаган «Оила шифокори» газетаси рамзида ярим ойнинг ичига унинг тасвири туширилди. Унинг номини қанча абадийлаштирсак озлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илм-фан ва янги технологиялар бош бошқармаси бошлиғи, профессор У.К. ҚАЮМОВ

ТУЯ ГЎШТИ «ЕГАН» ҚУРИЛИШ

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида тўқимачилик комбинати қурилаётганмиш. Агар, бу комбинат ишга тушса, қарийб минг нафар хотин-қиз иш билан таъминланармиш. Хориж технологиясига эга бўлган мазкур комбинатда пахта толасини йигириш, калавалаш цехлари очилармиш. Замонавийлиги, ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан у Бухоро тўқимачилик комбинатидан қолишмас эмиш...

Ҳа, бу шунчаки мишмиш эмас. Бундан 4-5 йил муқаддам Навбаҳордаги Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида, аниқроғи, Зарафшон дарёси ўнг соҳили яқинида ушбу комбинат қурилиши бошланган эди. 1995-96 йилларда бўлажак комбинат қурилиши жадал олиб борилди. Унинг учун 3,5 гектар ер ажратилди ва мустаҳкам пойдевор ҳозирланди. Бу қурилишга республика «Ўздеҳқончиликқурилиш» бошқармасининг Навоийдаги 377- хўжаликлараро

Луқма

механизациялашган кўчма колоннаси асосий пудратчи сифатида сафарбар этилди. Қурувчилар анойи эмас. Ҳашпаш, дегунча бетон плиталар, деворлар тикланиб, аксарият бинолар усти ёпилди ҳам. Қурилиш айни авжига чиққанди. Бироқ...

Қурилиш суръати ва сифати ортаётган бир пайтда қурувчилар ҳам, мутахассис ва муҳандислар ҳам «қуён» бўлишди. Шу орада яна миш-миш тарқалди. Нима эмиш: «Комбинат ер ости қувурлари талабга жавоб бермас эмиш», «Чиқинди, оқава сувлар учун махсус жой йўқ эмиш». Булар шунчаки мишмиш, холос. Қурилишнинг тақа-тақ тўхтаб қолишига асосий сабаб маблағ йўқлиги. Молиявий ночорлик туфайли мана 2 йилдирки, комбинат қурилиши туя гўшти еб ётибди.

Ҳозиргача бу қурилишга 150 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ҳали унинг тўлиқ ишга тушиши учун 1,5 миллиард сўм атрофида пул керак. Бўлажак комбинат директори Роман Шунтиевнинг таъкидлашича, Республика Вазирлар Маҳкамаси муаммонинг ечимини топган ва бошқа зарбдор қурилишлар қаторида бу комбинат учун ҳам етарли маблағ ажратган. Бироқ, қурилишдан ҳам, қурувчидан ҳам дарак йўқ. Аммо, навбаҳорликлар жорий йилдаёқ комбинатнинг биринчи навбати ишга тушади, деб умид қилишмоқда. Ахир, биринчи навбатнинг ўзидаёқ 250 хотин-қиз иш билан таъминланади-да.

Қани энди бу ҳам мишмиш бўлмасайди!

Музаффар ШАРОПОВ

Табиат — инсоният бешиги

САВАТ ҲОВУЗ

Сурхондарёда Оқжар деган жой бор. Бир томони даштадирлигу бир томони экинзор. Дашт томони Денов туманининг ихтиёрида. Тумандаги «Наврўз» жамоа хўжалиги чорвалари боқилади.

Қумқўрғон туманига қарашли тараф бўлса — экинзор. Қишлоқ дала, ариқларининг номи ҳам — Оқжар. Бироқ кейинги пайтларда бу ерларни одамлар Оқжар деб эмас, Шўржар деб атай бошлади. Сабаби — ер шўрлаб кетяпти.

Энди сурайверсангиз, Қумқўрғоннинг Оқжари шўрлаб кетаётганига Деновнинг Оқжари сабаб бўляпти. Гап шундаки, Денов Оқжарининг дашт адирлигидаги бир чуқургина сойда каттагина кўл ҳосил бўлган. Кўлни, тўғриси, сувидан чорвамиз баҳра олиб турсин деб чорвадорлар ҳосил қилишган ва аллақайси бир ишқий ривоятга боғлаб унга «Санамкўл» деб от қўйишган.

Оралиқдаги учта кўл экинзорлардан (қишлоқлардан) икки-уч терак бўйи баландликда жойлашган. Энди чўпонлар қурган бу «гидроиншоотни» бир каттакон сават деб кўз олдингизга келтиринг: кўлга сув қуйилаверади ва адирликнинг кавак тупроғига худди элакка сингандай сингиб кетаверади.

Оқжарнинг «Шўржар»га айланиб бораётгани — мана шундан.

— Тупроққа ниҳол қадаймиз —тутмайди. Шўрнинг дастидан қаламча қовжираб қолади, — дейди катта бир ташкилот раҳбари, — ана, ўзимизга қўшни дон маҳсулотлари тайёрлаш идораси ҳовлисида бир гал ёз куни юк машинаси ботиб қопти. Энг қизиғи, юзасида қалин асфальт тўшалган ерда ботган. Ўн-ўн беш чорванинг сув ичишини кўзлаб, нима, юзлаб гектар экинзорларни ботқоқликка айлантириш керакми? Бунга қарши ким курашади?

— Мутахассислар бир гал кўлнинг сувини ўлчаб, бир миллион кубга чиқаришган экан, - деб гапга қўшилади Элмурод Йўлдошев деган суҳбатдошимиз. — Ўшанда сув чўпонлар қурган тупроқ тўғондан ошай-ошай деб қолган. Масалан, кўлнинг суви тошмайди, тупроқ тўғон ўпирилмайди, деб ким кафолат бера олади? Кўзни, ахир, чиқмасдан асраш керак...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКНИНГ БОЛАСИ...

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

...ЎЗЛИГИН ТОПСИН.

Муҳаммад АМИН олган сурат

ЖИНОЯТЛАР ФОШ ЭТИЛДИ...

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ

Ўтган йил мобайнида вилоятимиз ҳудудида қайд этилган барча турдаги жиноятлар сони 1996 йилга нисбатан 3151 тадан 3101 тага, ёки 1,6 фоизга камайишига эришдик. Қасддан одам ўлдириш, ўғрилик, босқинчилик, талончилик, ашаддий безорилик каби жиноятлар анча камайди. Ана шу даврда муқаддам содир этилиб, очилмасдан қолган жиноятлардан 32 таси фош этилди. Уюшган жиноий гуруҳлар пайи қирқилди.

Касби туманида яшовчи Нодира Бобоназарова қайинукаси Тошболта Ҳайдаров билан ўта оғир жиноят содир этади. Нодира Косон шаҳридан қарзини сўраб келган Анкос Ҳусенова ва унинг 7 ёшли қизи Ҳолсарани қасддан ўлдирилишига бош-қош бўлади. Унинг қутқуси билан Тошболта Ҳайдаров Анкосни бошига оғир жисм билан уради ва унинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлади. Онаси қичқириғидан безовталанган Ҳолсара уй ичкарисига кирганда Тошболта қизчани ҳам уриб ўлдиради. Улар қизча жасадини ҳовлида бензин қуйиб ёқиб юборишади. Анкоснинг жасадини ўрик дарахти ёнига кўмишади. Олиб борилган тезкор тадбирлар туфайли жиноят фош этилди. Жиноятчилар қонуний жазога тортилди.

Вилоят ҳудудида уюшган жиноятчиликка қарши кураш самараси оширилди. «Обрўманд», «йўлбошчи» бўлмиш жиноят оламининг кирдикорлари фош этилди. Натижада ўтган йили ана шундай 7 нафар «обрўманд», 12 нафар «йўлбошчи»ларнинг қилмиши ошкор этилиб, улар жиноий жазога тортилдилар. Жиноятчи тўдалардан 1 та граната, 2 та ўқ отар қуроли, 2 та қирқма милтиқ, 1 та хорижда ишлаб чиқарилган тўппонча ва бошқа жами 550000 сўм миқдоридаги ашёлар тортиб олинди. Бу уюшган жиноятчи гуруҳлар томонидан 67 турдаги оғир жиноятлар содир этилганлиги аниқланди.

Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш, йирик иқтисодий жиноятлар томирига ўт қўйиш, уюшган жиноятчи тўдаларга қақшатгич зарба бериш кундалик вазифамиздир. Наманган воқеаси тинч яшаётган юртимиз фуқароларида кескин нафрат уйғотди. Ваҳҳобийчилик ниқоби остида хунрезликка қўл урган жиноятчилар қилмиши фош этилди. Бундан барча аҳоли қатлами ҳушёр тортди. 1997 йилда вилоятимиз ҳудудида 128 та турли иқтисодий жиноятчиликка доир жиноятлар пайи қирқилди.

Республикамиз бевосита ғалла мустақиллигига эришмоқда. Аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланмоқда. Афсуски, дон маҳсулотларини бир ҳовучини бўлса-да тежаб-тергаб фойдаланиш ўрнига айрим мансабдор шахслар томонидан талон-торож қилинмоқда. Улар ғаллани ўз манфаати йўлида дуч келган фуқароларга пуллаш васвасасига чалинмоқда. Шундайлардан бири Муборак дон маҳсулотлари қабул қилиш ҳиссадорлик жамияти раиси Дилмурод О.дир. У шу жамият омбор мудири Фарҳод У. ва ҳеч жойда ишламайдиган фуқаро Шодмон А.лар билан ўзаро жиноий тил бириктиради. Гуруҳ аъзолари 1997 йилнинг 11 ноябрдан 12 ноябрга ўтар кечаси «КамАЗ-5220» русумли автомашинада 10 тонна бўғдойни хирмондан ҳужжатсиз олиб қайтаётганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинади. Бундан ташқари гуруҳ аъзолари муқаддам ҳам 60 тонна бўғдойни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб юборишган. Бир қанча фуқароларнинг уйидан улар томонидан сотиб юборилган дон маҳсулотлари топилди. Бу уюшган жиноий гуруҳ аъзолари устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Шу кунларда вилоятимиз ҳудудида чорва молларини ўғрилаш ҳолатлари ошган. Бу ўтган йилда ҳам кузатилди. Нега шундай? Аввало, вилоят ҳудудида мол бозорлари кўпайиб кетган. Назорат ўрнатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Фуқаролардан чорва моллари учун маълумотномалар чиптачилар томонидан талаб этилмаган. Бундай ҳолатга барҳам бердик. Чунки, чорва молларини ўғриланиши ҳолати кўпайди. Иккинчидан фуқаролар ўз қарамоғидаги чорва молларини далаларга қаровсиз ҳолда ҳайдаб юборишади. Ҳафталаб хабар олишмайди. Эътиборсизлик эса қимматга тушмоқда.

Чорва моллари ўғирланишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларда кузатув постлари ташкил этдик. Уларга оқсоқоллар, фаоллар жалб қилинди. Бошқармадан ходимлар юборилмоқда. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Содир этилган ҳар қандай чорва моллари ўғриланиши тезкорлик билан фош этилмоқда. Қарс икки қўлдан, дейишади. Ҳамкорлик ижобий натижаларни бермоқда. Аммо, бу борада ҳали ҳам назоратни кучайтириш лозим.

Халқимизда олов — тилсиз ёв, деган гап бор. Ёки дастурхон қошида кексаларимиз ут балосидан, сув балосидан... асра дея қўл очадилар. Ёнғин катта талофат тўғдирибгина қолмай, инсонни бевақт ногирон этиши мумкин. Газ, электр ва бошқа ускуналардан фойдаланишда назоратсизликка йўл қўйилса, катта ёнғинни юзага келтиради. Баъзида, ота-оналарнинг фарзандларини уйда қаровсиз қолдириши ҳам хунук оқибатларга олиб келади. Шу йилнинг 23 январь куни Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи С.Йўлдошев оиласида катта жудолик юз берди. Хонада қулфлоғлик ҳолда қолган 7 ёшли Шуҳрат ва 4 ёшли Шоҳруҳ электр печкасидан қочган олов тутунидан заҳарланиб ҳалок бўлди. Бир муддат эътиборсизлик бир оила бошига қанчалар кулфат ёғдирди.

Нарзулла ЖУМАНОВ,
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги.

«ҚАРНАБ-ОТА» ЧОРВАСИ

«Қарнаб-ота» жамоа хўжалиги Қизбиби тоғлари этагида жойлашган бўлиб, Самарқанд вилоятининг асосий чорва маконларидан бири ҳисобланади. Пахтачи туманининг «Қарнаб-ота» жамоа хўжалиги чорвадорлари шу кеча-кундузда қўзилатиш мавсумини қизғин олиб бораётир.

Жамоа хўжалигида 18500 бош қўй мавжуддир. Шундан 13500 боши она совлиқ бўлиб, улардан яна шунча соғлом қўзи олинди. Бугунги кунда қўй, қўзилар алоҳида парваришланмоқда. Айниқса, хўжаликнинг 1-,2-,3- бўлимларида ўстиришга қолдирилаётган қўзи ва сифатли қоракўл тери маҳсулотлари катта даромад келтираётир. Илғор чўпонлардан Қаландар Тошев 306 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 115 бош қўзи олди. Тажрибали донгдор чўпон Мели Арабов 580 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 112 тадан қўзи олгани ҳам диққатга сазовордир. Хўжаликда чорва туёқ сонини кўпайтириш мақсадида бу йил 10000 бош қўзи ўстиришга қолдирилиши режа қилиб қўйилди. Ана шунда жами чорва 28500 бошга етади.

Чорвадорлар муваффақиятларининг асосий сири совлиқларга ҳар куни омухта ем берилиб, махсус парвариш қилинаётганлигидир.

Чўпонлар меҳнатига катта эътибор бериб, чорва маҳсулотларини сарҳисоб қилишда бош мутахассислардан Тўхта Арабов, Олим Эшонқулов, Даврон Қурбонов, Қаҳрамон Ишмуродов, Дониёр Аминов, Илҳом Шукуровларнинг ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, «Қарнаб-ота» жамоа хўжалигида чорвачиликда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хўжалик биргина туман, вилоятда эмас, республикада энг ривожланган замонавий чорва маконига эришишини чўпонлар билан бўлган суҳбатимиздан англадик.

Ўткир ПЎЛАТ

АСИРЛАР АЙИРБОШЛАНДИ

Эрон ҳукумати ироқлик 800 нафар ҳарбий асирни озод қилди. Ўз навбатида Ироқ томони ҳам 60 дан ортиқ эронлик ҳарбийларни ўз ватанига қайтарди.

Эрон Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, бу ўтган йилнинг сентябрь ойида Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харрозий билан Ироқ ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид ас-Саҳҳоф ўртасида ҳарбий асирларни алмашиш тўғрисида Нью-Йоркда имзоланган битимнинг амалий ижроси бўлди.

Маълумки, 1980—88 йилларда икки мамлакат ўртасидаги уруш кезлари ҳар икки томон кўплаб ҳарбийларни асир олган эди. Маълумотларга қараганда, ҳозир Ироқда 5 мингга яқин эронлик ҳарбий асир бор. Эронда эса ироқлик ҳарбий асирлар сони 2 минг нафарга яқин.

МИНАЛАРНИ ТАҚИҚЛАШ УЧУН

Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги мамлакат ҳукуматининг пиёдаларга қарши ишлатиладиган миналарни тақиқлаш халқаро конвенцияси доирасидаги мажбуриятларни бажариш учун 750 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратганини маълум қилди. Буюк Британия мазкур конвенцияга ўтган йили қўшилган эди. Ҳозир бу ҳаракатни жаҳоннинг 160 мамлакати қўллаб-қувватламоқда.

Айни пайтда Буюк Британия БМТнинг пиёдаларга қарши ишлатиладиган миналарни тақиқлаш дастурининг доимий ҳомийларидан бири ҳамдир. Жумладан, мамлакат халқаро тараққиёт агентлиги жорий йилда мазкур дастур ижросини таъминлаш учун ажратиладиган маблағ миқдорини бир неча баробар кўпайтиришни режалаштирмоқда.

ДАЛАЙ-ЛАМА ЯПОНИЯДА

Хитой ҳукумати норозилик билдирганига қарамай, Тибет буддистларининг диний йўлбошчиси, Нобель мукофоти соҳиби Далай-Лама Японияга келди. Маълумки, Далай-Лама 1959 йилда Хитой сиёсатига қарши қўзғолон кўтарган ва Ҳиндистонга қочиб кетган эди.

Далай-Лама сафари давомида Япониянинг қадимий пойтахти Киотога боради ва бутунжаҳон буддистларининг анжуманида иштирок этади.

ИТАЛИЯДА ҚЎЛГА ТУШДИ

31 ёшли Россия фуқароси Сергей Симонов Италия полицияси томонидан ҳибсга олинди. Айбланувчи шаҳар кўчасида ҳужжат текшириш вақтида полициядан қочишга ҳаракат қилган. Полиция маҳкамаси маълумотига қараганда, бу шахс жорий йилнинг январь ойида Россияда одам ўғирлаш жинояти билан айбланган.

ХИТОЙ САМОЛЁТЛАРИ КАНАДАҒА

Хитой уч йил давомида Канадага 200 дона «Юн-12 Ай-Ви» русумидаги кичик самолёт етказиб беради. Бу ҳақда Хитойнинг «Харбин» авиакорпорацияси билан Канаданинг «Канадиан эйр спейс групп» фирмаси ўртасида шартнома имзоланди.

Хитойнинг Хэлунцзян вилоятида жойлашган бу авиакорпорация шу кунгача Осиё, Африка ва Жанубий Америкадаги бир неча мамлакатларга 80 дан ортиқ самолёт сотган.

ҚЎШИНЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

Хавфсизликни таъминловчи барча идораларни бирлаштириб турувчи Исроил ҳарбий-сиёсий маҳкамаси БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 425 рақамли резолюциясини маъқуллади. Унга биноан, Исроил Ливаннинг жанубий ҳудудларидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетади.

ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ

Абхазиянинг Гал туманида юз берган қуролли тўқнашувда уч нафар қўпорувчи ўлдирилди. Ички ишлар вазирлиги матбуот котиби Бадри Аюбнинг таъкидлашича, вазирлик ходимлари қўпорувчиларнинг Приморск қишлоғидаги аслаҳа омборини фош этганидан кейин отишма бошланган. Қўпорувчиларнинг беш нафари яширинишга улгурган. Омбордан моторли қайиқ, алоқа боғловчи рация, мина, автомат ва бошқа қурол-яроғлар топилган.

Сиёсий иқлим

ЯНГИ ҲУКУМАТНИНГ ЯНГИЧА ЙЎЛИ

Маълумки, Туркияда собиқ Нажмиддин Эрбакан ҳукуматининг ички сиёсатида дунёвийликка қарши ғояларнинг кучайиши натижасида 1997 йилнинг биринчи ярмида вужудга келган сиёсий вазият мамлакатнинг иқтисодий аҳволига катта таъсир кўрсатди. «Ҳокимият учун кураш»нинг кескинлашуви, Рефаҳ партияси ва Тўғри Йўл партиясининг коалиция ҳукуматига иқтисодиётга етарли даражада эътибор бериш имконини бермади.

Сиёсий тортишувлар оқибатида 1997 йилда хусусийлаштириш дастури тўла амалга ошмай қолди. Бу эса Туркиянинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Молия соҳаси Туркия иқтисодиётининг энг нозик қисми бўлиб қолаверди.

1997 йилнинг апрель ойида Туркияга Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг делегацияси ташриф буюриб, иқтисодиётнинг аҳволи билан танишди. 1997 йилги бюджетнинг амалга оширилишини ўрганди. ХВФ вакилларининг ташриф натижалари бўйича баёнотида Туркия иқтисодиётига баҳо берилди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш учун молия соҳасида қаттиқ сиёсат, инфляцияга қарши мувофиқлаштирилган чоралар, иқтисодиёт таркибини жиддий ўзгартирилиши, солиқ соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мувофиқлаштирилган кредит сиёсати ва турк лирасининг ҳақиқий қийматини белгилаб туриш сиёсати зарур, деган хулосага келинди. ХВФ мутахассисларининг фикрича, ички қарз таркибини ҳам ўзгартириш зарур. Н.Эрбакан ҳукуматининг ўтган йил июнь ойида истеъфога чиқиши муносабати билан мазкур муаммолар Месут Йилмаз бошчилигидаги янги ҳукуматга «мерос» бўлиб ўтди.

1983 йил майда ташкил этилган Она-Ватан партиясининг ташкилотчи аъзоси ва партия Бош котибининг ўринбосари Месут Йилмаз ўша йил ноябрь ойида ўтказилган умумхалқ сайловида Ризе вилояти халқ ноиби этиб сайланди.

Йилмаз Турғут Ўзал ҳукумати даврида Ахборот-информация ишлари бўйича давлат вазири этиб тайинланди ва ҳукумат шарҳловчиси бўлди. 1986 йилда маданият ва туризм вазири бўлган Месут Йилмаз Туркия-Германия Федератив республикаси ва Туркия-Югославия иқтисодиёти бўйича икки томонлама комиссиясининг раиси ҳам бўлиб ишлади.

1987 йил 29 ноябрда ўтказилган сайловда иккинчи бор Ризе вилояти халқ ноиби этиб сайланди. Айни пайтда ташқи ишлар вазири этиб тайинланди. Бу лавозимдан 1990 йил 20 февралда истеъфога чиқди.

1991 йил 15 июнда ўтказилган Она-Ватан партияси буюк конгрессида Бош котиб этиб сайланди. Месут Йилмаз томонидан ташкил этилган ҳукуматга 1991 йил 5 июлда Туркия Буюк Миллат Мажлиси умумий кенгашида ишонч билдирилди.

1991 йил 20 октябрда ўтказилган умумхалқ сайловларидан кейин бош мухолифат партияси чеклашга мўлжалланган солиқ ислоҳотини ўтказиш, қисқа муддат ичида экспортни рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқиш, экспортнинг йиллик ҳажмини 50 млрд. долларга етказиш каби асосий принципларга амал қилишни кўзда тутмоқда.

Ўз дастурини амалга оширишда Туркиянинг янги ҳукумати молиявий-иқтисодий тусдаги қийинчиликларга дуч келди. Чунки, Ислом қоидаларини жорий этишга уринишлар оқибатида юзага келган вазият олдинги ҳукуматдан янги ҳукуматга ўтган эди.

Бунинг оқибатларини бартараф этиш учун М.Йилмаз ҳукумати маъмуриятнинг ҳам юқори, ҳам қуйи табақаларини янгилашга киришди.

Туркияда қисқа муддат ичида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар мамлакатнинг иқтисодий аҳволига таъсир кўрсатмай қолмади.

Бу нарса бир қатор молиявий-иқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топди. Масалан, ялпи миллий маҳсулот ўсиш суръати 1996 йил июнь ойида 8,8 фоизни, 1997 йилнинг июнь ойида 6,4 фоизни ташкил этди. Ялпи миллий маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 1996 йилнинг охирида 5,2 фоизни, 1997 йилнинг ўртасига келиб 1,1 фоизни ташкил этди. Айни пайтда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши таъминланди. 1996 йил охиридаги 7,4 фоиздан, 1997 йилнинг ўртасида 9,5 фоизгача кўтарилди. Саноат тармоғи асосан маҳаллий хомашёда ишлайдиган корхоналар ҳисобига ривожланди.

1997 йилнинг биринчи ярмида импорт ҳажми 21 млрд. 287 млн. долларни (1996 йилда эса – 20 млрд. 399 млн. доллар), экспорт ҳажми 1996 йилнинг биринчи ярмида 10 млрд. 780 млн. долларни, 1997 йилнинг биринчи ярмида 11 млрд. 751 млн. долларни ташкил этди.

Экспорт ва импорт ҳажмларини барқарор ҳолга келтириш ташқи савдо дефицитини барқарор бўлишини ҳам таъминлади. (1996 йилнинг январь-июнида 9 млрд. 621 млн. доллар ва 1997 йилнинг январь-июнида 9 млрд. 536 млн. доллар).

Янги ҳукумат 1998 йилни туб ва кескин чоралар кўриладиган, жамиятнинг моддий аҳволига таъсир кўрсатадиган инфляция билан кураш йили деб эълон қилди. Шунингдек, Туркиянинг 1999 йилда янги иқтисодий ўлчовларда яшаши ҳам баён қилинмоқда.

Ҳукумат 1998 йилда инфляцияни 50 фоизгача, кейинги йилда 20 фоизгача ва 2000 йилда ўн фоиздан ҳам пасайтиришни режалаштирмоқда. Қатъий эмиссион сиёсат инфляциянинг даражасини пасайтиришдаги асосий омиллардан бири бўлиши керак. М.Йилмазнинг ҳукумати, ишчилар ойликларининг ўсиш суръатлари инфляциянинг ўсиш суръатларидан ошмаслигини расман эълон қилди.

САНОАТ. Автомобилсозлик Туркия саноатининг йўлбошчиси бўлмоқда. Ҳар йили «Мерседес-Бенц», «Опель», «Пежо», «Рено», «Фиат», «Тойота», «Магирус», «Ивеко» ва бошқа фирмаларнинг лицензиялари асосида мамлакатда 250-300 минг донага яқин енгил, юк ташиш автомобиллари ҳамда автобусларнинг замонавий турлари ишлаб чиқарилмоқда.

Япония ва Жанубий кореялик сармоядорлар иштироки билан ҳар йили 100000 дона «Мазда» ва «Хюндай» енгил автомобилларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилмоқда. Турк автомобиллари асосан ички бозорда сотиш учун мўлжалланган. Лекин, кейинги йилларда уларни чет элга – Италия, Испания, Руминия, Болгария, Россия, Хитой Халқ Республикаси, Яқин Шарқ, Кавказ орти ва Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилиш йўналиши кузатилмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ. Катта фермер ер эгалиги, шунингдек майда деҳқон хўжалиги Туркия учун хосдир. Барча ишлов бериладиган ерларнинг 60,7 фоизи катта ер эгалари ва фермерларга тегишли. Мамлакатда пахта анъанавий тусда парвариш қилинмоқда. Бироқ, бу тўқимачилик саноатининг ўсиб бораётган талабларини қондиришга етарли эмас. Ушбу хомашёга мамлакатнинг йиллик талаби 1 млн. тоннага яқин. Ҳосилнинг ҳажми эса иқлим шароитларига қараб, 700-850 минг тоннани ташкил қилмоқда.

ТАШҚИ САВДО. 1997 йилда импорт мамлакатга яқин йиллар ичида Туркия экспортини тез суръатларда оширишга имкон берадиган, инвестиция моллари — машина ва асбоб-ускуналар олиб келиш ҳисобига ўсди.

Ташқи савдо дефицитининг Туркия иқтисодиётига салбий таъсирини пасайтирадиган муҳим омиллардан бири — МДҲ ва Шарқий Европа давлатлари билан катта миқёсда олиб бориладиган бизнес ҳисобланади. 1996 йилда бизнеснинг ушбу тури 15 млрд. долларни ташкил қилган.

Туркия экспорт соҳасининг асосий турларини тайёр кийим, тўқимачилик маҳсулотлари, автомобиллар, электр асбоб-ускуналар ташкил этса, импорт соҳасининг асосий турлари нефть, машиналар, технологик ускуналар ва кимёвий моддалардан иборат.

Германия Федератив Республикаси, Франция, Италия, АҚШ, Буюк Британия, Эрон, Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари Туркиянинг асосий савдо ҳамкорларидир.

Месут Йилмаз бошчилигидаги янги коалицион ҳукумат ўз олдига қўйган вазифаларни босқичма-босқич уддалаб келмоқда. Янги ҳукумат бу борада ўзининг янгича йўлига эга.

Салим АШУРОВ

АГАР НОЗАРУР БАЗАЛАР ЁПИЛСА...

Агар АҚШ парламенти икки босқичдан иборат бўлган баъзи бир нозарур ҳарбий базаларни ёпиш тўғрисидаги янги режани ёқласа, Пентагон ҳар йили 20 миллиард доллар атрофидаги маблағни тежаб қолади. АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэн 2 апрелда бўлиб ўтган брифингда шундай баёнот берди, деб хабар қилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Пентагон раҳбарининг таъкидлашича, 1988 йили парламент томонидан тасдиқланган ҳарбий харажатларни камайтириш борасидаги тўрт босқичли режа амалга оширилиши натижасида йилига 14 миллиард доллар тежалган.

НОМАЪЛУМ АСЛЗОДА

Миср эҳромлари дунёни ҳайратга солиб келади. Аҳрамотлар эса бу кўҳна диёр ўтмишининг маҳобатини янада юксалтириб туради. Пирамидалар ҳали ўзида инсон билмаган қанча минг йилликлар тарихини сир тутиб келади. Қоҳира шаҳрининг жанубий қисмида топилган жажжи пирамида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Олимлар оламшумул бу воқеани «биз билган ва билмаган ўтмишнинг яна бир сири» дея изоҳлаётир.

Пирамида мўъжазгина — автофургон машинасидеккина ҳажмда. Шунданам уни жаҳон жамоатчилигига «жажжи пирамидадаги сир» деб таништиришди. Балки уни сир дейиш ҳам бироз ўринсиздир. Пирамида ичига яширинган тобутдан аслзоданинг жасади топилганди. Аслзоданинг жасади мўмиёланган. Мутахассисларнинг фикрича, лилипут (паст бўйли) ўсмир бола экан. Уни олимлар ҳозирча қирол Тутан Хамоннинг акаси бўлиши мумкин, деган тахминларни айтмоқда. Мўмиёланган лилипут 3200 йиллик мозийдан сас.

Олимларнинг фикрида жон бор, албатта. Чунки, жуда катта олтин хазина, қимматбаҳо тақинчоқлар, тилла ниқоб, олтин анжомлар, пирамидадаги сурат тасвири, тождорлар сулоласининг рамзий белгилари жасад аслзодалигидан, яъни Тутан Хамоннинг оиласига мансублигидан далолат беради. Лилипут аслзоданинг исми фанга ҳозирча маълум эмас, мутахассислар буни аниқ айтиб бериша олмаётган бўлсада, илмий текширишлар ижобий якунланишини маълум этяпти.

Шоҳ авлодидан бўлган номаълум шаҳзода шундоқ ҳаёт қайнаган, Қоҳирадек шаҳри азим остида 3200 йил «ётади-ю» шов-шув бўлмасинми?

Санда ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади

РОССИЯ: ПРЕЗИДЕНТ ЧЕРНОМИРДИНГА ЯНА ГУЛДАСТА ТАҚДИМ ЭТАРМИКИН?

Россия Федерацияси ҳукуматининг собиқ Бош вазири Виктор Черномирдин 9 апрель куни 60 ёшга тўлади. Хўш, ушбу тантана куни Россия Президенти Борис Ельцин унга гулдаста тақдим этармикин? Гап шундаки, Черномирдин ҳукумат раҳбари бўлиб турган ўтган беш йил давомида Ельцин ҳар йили унинг туғилган кунида гулдаста тақдим этарди. Ҳукумат миқёсида ана шу тантана нишонланарди.

Хўш, бу сафар нима бўларкин? Борис Ельциннинг айтишига кўра, Черномирдин унинг қадрдони экан. Беш йил мобайнида Виктор Степанович Ельцин билан бирга елкадош бўлиб ишлади. Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг истеъфога чиқарилишига асосий сабаб, 2000 йилда бўладиган президент сайловларида Черномирдин номзодини қўйишдир. Лекин, айрим партияларнинг вакиллари Черномирдиннинг бўшатилганлигини икки раҳбар ўртасида келишмовчилик чиқди, деб талқин этишмоқда.

Айни пайтда эса, Россия ҳукуматининг Бош вазири лавозимига 1962 йилда туғилган Сергей Кириенко даъвогарлик қилмоқда. Борис Ельцин ҳам уни қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирча Бош вазирнинг биринчи ўринбосари вазифасини бажариб турган Сергей Кириенко номзоди Россия Думасида тасдиқланиши зарур. Худди ўша 9 апрель куни Думанинг мажлисида депутатлар унинг номзодини тасдиқлаб беришларини Президент талаб қилмоқда. Акс ҳолда, Борис Ельцин Думани тарқатиб юбориши ҳам мумкин эмиш. Айрим партияларнинг раҳбарлари, жумладан, коммунистлар етакчиси Геннадий Зюганов Сергей Кириенко ёшлигини, бундай лавозим учун етилмаганлигини таъкидлаб ўтди. Лекин, нима бўлганда ҳам яна бирор ҳафтадан сўнг бутун дунё Россияда янги ҳукумат раиси пайдо бўлганлигидан хабар топади.

Ҳабиб ҲАЙДАРОВ

Марокаш. Тетуан шаҳри кўчаларида.

Саҳифа материаллари ЎзА ва хорижий манбалар асосида тайёрланди.

МАОШ... ЮК МАШИНАСИДА ТАШИЛАРДИ

Россиянинг янги рублини муомалага киритиш айни дамда қизиқ кечмоқда. Матбуотда «янги бир тийинлик» — танга роса мақталди. Аслида ана шу «копейка»га дўкондан тўрт дона гугурт чўпи (агарда гугурт чўпи доналаб сотиладиган бўлса) харид қилиш мумкин, холос.

Россиялик ҳамкасбларимиз янги «қудратли копейка»нинг астарини роса ағдариш билан тағинда қизиқ маълумотномаларни эълон қилишди. «Хўш, — дейди соҳа мутахассиси, — агарда ойлик маош ва даромадларни Марказий банк қоғоз рублда эмас, бир тийинлик билан тўласа, масалан уч нафар давлат раҳбарлари даромадларини уйларига қандай олиб кетган бўлардилар. Албатта, юк машинасида-да!»

Ишонмайсизми, ўзингиз хулоса қилинг. Агарда маош ва даромадларни копейкада олса, энг нуфузли раҳбарнинг бойлиги ҳар ойда 3 тонна 44 килограмм 688 граммга, ундан кейингисиники эса, 1 тонна 156 килограмм 213 граммга тенг бўларди-да?!

Аммо, бу борада улар албатта ўз собиқ ҳамкасабаларига ҳавас билан қараган бўлардилар. Собиқ давлат ходими, айни пайтда йирик ишбилармон Борис Березовский ойлик топиш-тутишини уйига олиб кетиш учун бир неча юк машинасини кирага тутган бўларди. Чунки, унинг бир ойлик даромади копейкаларда берилса нақд 38 тонна 684 килограмм 288 грамм тош босарди!

Рўзимбой ҲАСАН

«ДУНЁГА КУЛИБ БОҚИНГ»

Дунёга кулиб боқинг, у ҳам сизга кулиб боқади — дейди ҳикоямиз қаҳрамони Бетти Кастер.

Яшашдан мақсадимиз не? — деб ҳеч ўзингизга савол берганмисиз? Йўқ дейсизми?! Ундай бўлса турмуш ташвишларидан тўхтаб, ўтган умрингизга бир дақиқа бўлсада назар солинг. Болалик даврингизни, ўша пайтда нималар орзу қилганингизни эсланг. Чунки болаликдаги хотиралар, орзу-умидлар, режалар шунчалик беғубор бўладики, босиб ўтган йўлингизга тўғри баҳо бера олишингиз учун, у сизга яхшигина мактаб вазифасини ўтайди. Агар ўша беғубор ниятларингизга қисман эришган бўлсангиз, кейинги қизиқишларингиз ва қилаётган ишларингиз у билан уланиб кетган бўлса, демак сиз бахтли одамсиз. Беттини ҳам шундай бахтли инсонлар сафига қўшса бўлади. Негаки, бу «бир кам дунё» да у ўз ҳаётига мазмун бахш эта олди.

Бетти Кастер Американинг Питсбург шаҳрида истиқомат қилади. Қадди-қомати келишган, ёқимтой ва ширинсухан бу аёл, ҳозирда ўттиз ёшда. Шириндан - шакар икки фарзанднинг онаси. Бетти болалар тарбияси билан жуда жиддий шуғулланади. Ғамхўр ва меҳрибон она. Фарзандлари ҳам уни жон-дилидан яхши кўришади. Беттини ташқаридан кузатиб турганларнинг ҳаммасиям унинг нуқсонини пайқай олишмайди. Чунки, у узун юбкалар кийиб олиб, ҳар доим хушчақчақ юради. Синчиклаб қараганлар унинг иккала оёғига ҳам чап оёқ пойабзалини кийиб олганини кўриб, ҳайрон бўлишади. Сабаби Беттининг ўнг оёғи ўрнида ҳам чап оёғи жойлашганди. Лекин, бу нуқсон Беттининг қаддини бука олгани йўқ. Аксинча, у ўз ҳаётини маъноли ва гўзал қилиш мақсадида бошқаларга нисбатан кўпроқ ҳаракат қилди.

Бетти барча кўнгилсизликлар ва тўсиқларни ҳазил-ҳузул билан енгади. Одамлар билан муносабатларда эса, ўта самимий ва ҳақгўй. У ҳеч қачон бирор нарсадан нолиб, қийналиб, дод-фиғон қилиб ўтирмайди. Иложи борича муаммоларни фақат ўз кучи билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Ҳатто жиддий кўнгилсизликлар ҳам уни довдиратиб қўя олмайди.

Э, бу аёл шунчалик бефарқми? — дерсиз.

— Йўқ, у бефарқ ҳам, лоқайд ҳам эмас. Гап шундаки, Бетти кучли ирода ва ўткир ақл эгаси. Ҳаётдан яхши нарсалар кутиш билан биргаликда омадсизликларга ҳам ўзини тайёрлаб қўяди.

— Ахир, бу ҳаёт. Бирда сизга омад кулиб боқади, бирда эса йўқ. Омадсизликлардан тушкунликка тушган билан киши фақат ўзига зарар қилади, холос. Келажакка бўлган ишончини ҳам йўқотиб қўяди. Шунинг учун ҳам тезда ўзимни чалғитаман. Ҳазил ва кулгу бу борада менинг энг кучли қуролим, — дейди у.

Ҳар хил ташвишлар билан бўлиб Бетти ўзини унутиб қўядиганлардан эмас. Бўш вақтларини дискотекалар ва теннис кортида ўтказади. Энг муҳими, ҳозирги ўттиз ёшида ҳам уни болаликдаги беғубор фазилатлари тарк этмаган.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 5 aprel, yakshanba № 42 (22.279).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

РАВОЧНИНГ ҲОСИЯТИ

Баҳор неъматлари

Эрта баҳор неъмати ҳисобланган равоч ўзининг хуштаъмлиги билан кишига ҳузур бахш этади. Республикамизнинг чўл, тоғ ва тоғ ёнбағирларида ўсадиган равочнинг етти тури маълум. Чўл равочи яп-роғининг шакли туя товонига ўхшаганлиги сабабли уни ўзбеклар «туятовон», қозоқлар ва қирғизлар «туяжапроқ», туркманлар эса «гараяпроқ» деб аташади.

Равочнинг тарқалиш тарихи қизиқ. Милоддан 2700 йил муқаддам хитойликлар «ҳикматли сариқ илдиз»дан ичи юмшатадиган дори сифатида фойдаланишган. Бироқ, улар қандай бўлмасин, бу «сариқ илдиз» тангут равочининг илдизи эканлигини узоқ вақт сир тутишга ҳаракат қилганлар. Кейинчалик шифобахш илдиз хосиятлари бутун дунёга тарқала бошлаган. Ўн учинчи аср охирларида Осиё сафаридан қайтган венециялик сайёҳ Марко янги дори таърифини Европага маълум қилган. 1858-1873 йилларда машҳур сайёҳ Н. Прежевальский Тетунг тоғлари ва Кукунор кўлининг атрофларидан кенг япроқли, чиройли гулли ўсимлик, яъни доривор тангут равочи уруғини Россияга олиб келган. Доривор равоч уруғи Россия орқали бошқа Ғарбий Европа давлатларига ҳам секин-аста тарқалган. Кўпгина мамлакатларда ҳам равоч асосий доривор ўсимлик сифатида давлат фармакологиясига киритилган.

Равоч илдизидан тайёрланган кукун, унинг сувдаги ва спиртдаги эритмалари, шунингдек, равоч кукунининг магнезий кукуни билан аралашмаси тиббиётда сурункали ошқозон-ичак касалликларини даволашда, ички юмшатиш мақсадида ишлатилади. Ўзбекистонда учрайдиган равочнинг айрим турлари кимёвий таркиби жиҳатидан давлат фармакологиясида қабул қилинган доривор равочлардан қолишмайди. Қадимдан халқ тиббиётида равочдан самарали фойдаланиб келинган ва Абу Али ибн Сино равочнинг ерости ва ерусти қисмларининг шифобахшлик хусусиятлари тўғрисида ёзиб, илдизининг бўшаштириш хусусиятига эгалиги, уни сиркага қўшиб суртилса, сепкил ва теридаги ярадан қолган излар йўқолиши, темиратки тузалишини ҳамда синган, чиққан, узилган эт ва чўзилган мушакларни даволашда фойдаланилганини таъкидлаган.

Шунингдек, чурра тушиши, астма ва қон туфлашни даволашда, жигар, меъда фаолиятини яхшилашда, оғриқлар ҳамда қон кетиш хасталикларини даволашда шифобахшлигини кўрсатади. Равочдан тери ошлашларда ҳам унумли фойдаланилади. Равоч билан ошланган тери тўқсариқ ва жигар ранг тусга киради.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ҚИШЛОҚ БОЛАСИГА ТЎП БЕРИЛСА...

ёки юртимизда волейболу баскетболни оммавийлаштириш тадбирлари ҳақида

Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш йўлида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Кўплаб вазирликлар, қўмиталар, жамғарма-ю бирлашмалар ўзаро ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилишди. Ният-юртимизда волейбол ва баскетболни янада оммавийлаштириш, маҳоратли ёшлар сафини кенгайтиришдан иборат. Бу тадбирга республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раҳнамолик қилмоқда. Шу муносабат билан мазкур жамғарма раисининг биринчи муовини Комилжон ЮСУПОВдан кўп босқичли мусобақалар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

Аён ва баён

— Ростига кўчсак, ҳар қандай янгиликка қўл уриш осон кечмаслиги аён бўлади, – деб ҳикоя қилади К.Юсупов. — Маълумингизким, юртимизда ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш йўлида собитқадам ташланмоқда. Зеро, соғлом, жисмоний баркамол, мустақил фикр юритувчи илмли ва билимли ёшларсиз бундай келажакни тасаввур этиш қийин. Кейинги йилларда спортнинг энг қизиқарли ва оммавий турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қилинаётганлиги ҳам шундан.

Бир тасаввур қилиб кўринг-а! Қишлоқ жойларда, хусусан, мактабларда волейбол ва баскетболга мослаштирилган майдончалар кўпинча ҳувиллаб ётади. Сабабини сўрасангиз, минг бир баҳонани рўкач қилишади. Ваҳоланки, ҳар бир болакай тўп билан ўйнаш ошуфтасидир. Қани энди уларга етарли тўплар берилса-ю, бундай майдончалар гавжумлашса. «Камолот кубоги» таъсис этишдан мақсад ҳам аслида шу. Аммо, бу деганимиз мусобақалар фақат қишлоқларда ўтказиларкан, деган маънони англатмайди.

Эзгуликка қўл урилаётганидан хабар топган республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, шунингдек, Олимпия қўмитаси ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Ишларимиз юришиб кетди. Кубок учун кўп босқичли мусобақанинг Низоми амалда. Баҳсга тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси фаолият кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу тадбирга бағишланган қўшма қарор дастуриламалга айланган. Ўйлаймизки, мустақилликнинг етти йиллигини нишонлаш кезлари ўтказиладиган сўнгги босқич мусобақаларига қадар жойларда оммавийликни таъминлаб, «Соғлом авлод учун» давлат дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, аҳолининг турли қатламларида ўзига хос маданий ўзгаришларни юзага келтириш борасида ютуқлар қўлга киритилади.

Совриндорлик баҳсларини олти босқичда олиб бориш кўзда тутилган. Дастлаб қуйи жамоаларда мусобақалар уюштирилади ва бунда ютган курашни давом эттиради қоидасига риоя қилинади. Навбатдаги босқичдан бошлаб, туман терма жамоалари таркиб топади ва ғолиблар вилоят биринчилигига йўлланма оладилар. Албатта, фаол жамоалар вақтида тақдирланиб борилади. Халқ таълими вазирлиги тизимида эса мусобақаларни икки йўналишда уюштириш мўлжалланган. Жумладан, ўрта мактаб, лицей, гимназия, касб-ҳунар билим юртлари ўқитувчилари жамоалари орасида алоҳида мусобақалар бўлиб ўтади. Шу йўналишда биринчиликни қўлга киритган жамоа «Камолот кубоги» учун баҳсни давом эттириш имкониятига эга бўлади. Айни пайтда мактаб, лицей, гимназия ва касб ҳунар билим юртларининг юқори синф ўқувчилари мусобақалари ҳам давом этади. Бу йўлда ҳам ғолиб жамоа соврин учун курашни давом эттиравераді. Биз баҳснинг ана шу томонларини ҳисобга олиб иккита кубок таъсис этганмиз.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ҳам мусобақалар икки йўналишда ташкиллаштирилади. Биз ўқувчиларни умумий гуруҳларга қўшмай, бир йўла икки жамоани кубок учун курашни охирги босқичигача давом эттиришига йўл очишни лозим топдик. Бунда ўқув юрти талабалари жамоаси билан ёш ўқитувчилар жамоасини майдонга тушириб ўзига хос қизиқарли баҳсни юзага келтиришни ният қилганмиз. Бунда ё талаба, ё ўқитувчи финалга чиқиши мумкин.

Мудофаа вазирлиги тизимидаги баҳсларнинг ҳам қизғин ва муросасиз бўлиши кутилмоқда. Унда икки жамоа бош кубок учун мусобақага киришади. Чунончи, ҳарбий қисмлар ва аскарлардан иборат жамоалар баҳси ҳамда олий ҳарбий билим юрти курсантлари билан ҳарбий академия тингловчилари жамоалари мусобақасидан иборат бўлади. Ички ишлар вазирлиги бўйича ҳам ўзига хос тарзда мусобақалар уюштирилади. Бунда туман ички ишлар бошқармаси ходимлари жамоалари мусобақаси уч босқичда ўтказилади. Якуний босқичда фаол жамоалар аъзоларидан иборат вилоят терма жамоаси тузилади ва у бош соврин учун курашга киришади. Бу йўналишда биринчиликни қўлга киритган жамоа «Камолот кубоги» учун ҳал қилувчи баҳсларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, ички ишлар вазирлиги академияси ва бошқа ўқув юртлари жамоалари баҳси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий. Шу тариқа мусобақалар бешинчи босқичда вазирликларга тегишли жамоалар ўртасида ва ниҳоят сўнгги босқичда кубогимиз учун баҳслар билан якунланади.

Мусобақаларни уюштиришда мамлакатимизнинг минтақавий бўлинишини ҳисобга олганмиз. Айтайлик, биринчи минтақага Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари киритилган бўлса, иккинчиси Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларидан таркиб топади. Учинчи минтақага Қорақалпоғистон ҳамда Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари киритилган. Тўртинчиси, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан иборат бўлади. Жамоаларни таркиб топтиришда эркаклар ва аёллар танланишига эътибор қилинади. Мисол учун олий ҳарбий таълим билим юртлари, ички ишлар ходимлари, Мудофаа вазирлиги хизматчилари фақат эркаклар жамоаларидан иборат бўлади. Қолган жамоаларни тузишда эса эркак ва аёллардан иборат бўлишига аҳамият берилади.

Икки оғиз сўз мусобақа босқичлари хусусида: 1-2 босқич баҳслари шу кунларда якунланди. 3-4 босқич апрельмай ойларига мўлжалланган. 5 босқич июнь ойидан бошланади. Якунловчи босқич сентябрда финал баҳсларига йўғрилган бўлади. Юқорида таъкидланганидек, дастлаб, туман, ҳудудий бўлинмалар жамоалари ва давлат хўжаликлари йигит-қизлари ўртасида баҳслар уюштирилди, иккинчи босқичдан бошлаб туман, институт, техникум, ҳарбий қисм ва олий ҳарбий билим юртлари жамоалари ўртасида мусобақалар уюштирилади. Учинчи босқичда вилоятлар, гарнизонлар биринчилиги, тўртинчисида минтақавий гуруҳлараро мусобақалар бўлса, 5-6 босқичлар республика миқёсида ўтказилувчи баҳслардан иборат бўлади. Ўйлаймизки, бошлаган тадбиримиз самарали кечади.

Баённи Ҳайдар НОСИРОВ ёзиб олди.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Ҳаракат хавфсизлиги маркази» хусусий кичик корхонаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 1000723 рақамли телефон орқали қабул қилинади.



Тарих ғилдираги... И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

КУЛГАН ҚАРИМАС

Бир киши бир шоирга деди:

— Шеър ўқиб бергин!

— Қадимийми, замонавийми?

— Замонавий.

— Арабийми ёки форсийми?

— Форсий.

— Қасидами, ғазалми, рубоийми ёки маснавийми?

— Маснавий.

— Рамзийми, базмийми?

— Базмий.

— Орифонами, ошиқонами?

— Ошиқона.

— Ҳақиқий ёки мажозий?

Шеър эшитмоқчи бўлган кишининг сабри тугаб деди:

— Бугунга етади.

***

Алишер йиғламсираб деди: — Мен фақат бувимнинг қўлларидан дори ичаман.

— Нега? — деб сўради ойиси.

— Чунки, қўллари қалтираб менга берадиган дорини ярми тўкилиб кетади-да.

***

Бир куни мактабга комиссия келди. Синфлардан бирига кириб, ўқувчиларга деди:

— Болалар, сизга битта қийин савол берайми ёки иккита осониданми?

Шум болалардан бири: — Битта қийинидан, — деди.

— Дунёдаги биринчи донишманд ким ва у қаерда туғилган?

— Доктор Стефан, у Шанхайдаги касалхоналардан бирида туғилган.

— Буни қаерда ўқидинг?

— Кечирасиз, бу иккинчи савол бўлади.

***

— Қодир! Анави идишдаги мураббони емагин. Уни ахлат челакка ташламоқчиман.

— Ойижон, мураббони ўзим ейман. Яхшиси мени челакка ташланг.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 9 апрель — пайшанба куни чиқади)

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Абдумалик БОБОЕВ,

навбатчи Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36.136 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01119

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА